

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ДАСТУРЛАР - ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ХАЛҚАРОЛАШУВИДА МУҲИМ ОМИЛ

Рихсиева Г.Ш.

Мақолада Европа Иттифоқи давлатлари олий таълим тизимида қўшма дастурларни амалга ошириш жараёнлари ҳақида фикр юритилади. Жорий йилда Варшава шаҳрида ўтказилган таълимнинг халқаролашувига бағишланган конференцияда Темпус эксперти сифатида иштирок этган муаллиф қўшма дастурлар бўйича муҳокама қилинган масалаларни ёритиб, ўз фикр ва тавсияларини беради.

СОВМЕСТНЫЕ ПРОГРАММЫ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР В ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИИ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Рихсиева Г.Ш.

В статье рассматриваются процессы реализации совместных программ в сфере высшего образования в странах Европейского Союза. Автор, участвовавший как эксперт национальной команды экспертов Темпус на конференции, проведенной в Варшаве по интернационализации высшего образования, анализирует основные вопросы, дает свои выводы и рекомендации по совместным программам.

JOINT PROGRAMS – IMPORTANT ELEMENT IN INTERNATIONALIZATION OF HIGHER EDUCATION

Rikhsieva G.SH.

The article considers the essence and implementation of joint programs in Higher educational system of the European countries. The author as HERE of NTO Uzbekistan, who participated in the conference devoted to internationalization of higher education held in Warsaw expressed her own opinions and as a conclusion gave suggestions and recommendations about joint programs.

Европа мамлакатлари олий таълим тизимида Болонья шартномаси бўйича жараёнлар давом этаётган бугунги кунда таълим муассасалариаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларига энг долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. 2001 йилда Прага шаҳрида Европа мамлакатлари таълим вазирларининг учрашувида халқаро ҳамкорликни кучайтириш масаласига алоҳида ёндашиб, ҳамкорликдаги дипломлар берилишини таъсис этиш муҳкомасидан сўнг бу борада муайян фаолият амалга оширила бошлаган.

Жорий йилда “Темпус”нинг ўзбекистонлик экспертларида мазкур жараёнларни кузатиб, бугунги кунда Европа мамлакатлари олий таълим тизимидаги ўзгаришларнинг туб моҳияти ҳақида аниқ хулосалар чиқариш имконияти пайдо бўлди. 2013 йилнинг 9-10 май кунлари Варшава шаҳрида ўтказилган ҳамкорликдаги дастурлар ва олий таълим муассасаларининг алоқаларини мустаҳкамлашга бағишланган «Совместные программы: содействие в интернационализации университетов» деб номланган биринчи минтақавий илмий конференциясида иштирок этилди. Мазкур анжуман «INTERUV» илмий лойиҳаси доирасида ташкил этилган бўлиб, унда Европа, Кавказ, Марказий Осиёда жойлашган 26 та давлатдан 150 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Жумладан, унда ўзбекистонлик мутахассислардан иборат гуруҳ (“Темпус” ташкилоти эксперти С.Эшқобилов, ОЎМТВ мутахассиси М.Турсунов, “Темпус” миллий экспертлар гуруҳи аъзолари О.Акбаров, Г.Рихсиева, ТАТУ тадқиқотчиси А.Ворисов) иштирок этдилар.

Конференция очилиш маросимидан аввал 9 май куни барча иштирокчи мамлакатларнинг миллий эксперт гуруҳлари аъзолари учун семинар тренинг ўтказилди. Семинарни Польшадаги Эразмус Мундус, Темпус ташкилоти бўлими бошлиғи, Олий таълим тизимини ривожлантириш фонди масъул ходими Бета Скибириска очиб берди. Семинарда бугунги кунда олий таълим муассасалари халқаро алоқаларини ривожлантириш, ҳамкорликдаги дастурларни яратиш бўйича турли мамлакатларда амалга ошилаётган ишлар юзасидан “Темпус” ташкилотининг масъуллари томонидан тақдимотлар қилинди. Жумладан, “Эразмус Мундус”нинг Италиядаги вакили Джованни Финочетти ва Эстониядаги вакили Анастасия Кнорр ўз давлатларида «INTERUV» лойиҳаси доирасида ҳамкорликдаги дастурлар тузиш ва уни амалга ошириш масалалари ҳақида биргаликда тақдимот қилдилар. Мазкур тақдимотнинг қизиқарли ва конкрет фикрларга асосланганлиги, белгиланган масалалар юзасидан ҳар икки мамлакатдаги ёндашув бўйича қиёсий таҳлил амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Кейинги маъруза Польша Фан ва олий таълим вазирлиги масъул ходими Ханна Резульска ҳамкорликдаги дастурларнинг таълим сифатига таъсири, Европа доирасидаги ҳамкор университетларда илмий даража дипломларининг тан олинishiга оид фикрларини баён этди. Италиялик ва Нидерландиялик вакиллар ушбу маъруза бўйича мунозарага киришдилар. Шунингдек, “Темпус”нинг Грузиядаги раҳбари Лика Глonti Кавказ давлатларидаги олий таълим тизимининг тақдимотини намойиш этди.

Семинарда экспертларнинг фикр алмашувларидан сўнг конференциянинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маърузачилар ҳамкорликдаги қўшма дастурларнинг моҳияти ва бугунги кундаги долзарблиги юзасидан сўзга чиқдилар. Конференциянинг асосий қисмларида сўзга чиққан маърузачилар – “Эразмус Мундус” лойиҳаси иштирокчилари, турли мамлакатларнинг вакиллари ҳамкорликдаги

дастурлар, уларнинг аҳамияти, эришилган тажрибалар ва биргаликда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Шу ўринда Европа давлатлари олий таълим муассасаларидаги ҳамкорликдаги дастурлар, қўшма дастурлар асосидаги дипломлар ҳақида сўз юритиш жоиз. Олий таълимнинг халқаролашувига таъсир этувчи асосий омил сифатида қаралаётган қўшма дастурлар таълим олувчиларга танлаш имкониятининг яратилганлиги билан белгиланади. Таълим жараёнининг турли Европа мамлакатларда узлуксиз давом эттирилиши, билимлар алмашинувига замин яратганлиги эркинликни таъминласа, илмий даражалар ва уларнинг исботи бўлган қўшма дипломларнинг тан олиниши келгусида ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг амалга оширилишига ҳам асос бўлади. Европа мамлакатларида қўшма дипломларнинг double diploma ва multi diploma каби турлари мавжуд. Шунингдек, миллий дипломга қўшимча хорижий дипломнинг илова қилиниши шакли ҳам мавжуд. Мазкур дипломлар икки мамлакат университетлари ёки бир нечта университетлари томонидан ҳамкорликдаги таълим якунида берилади ва албатта улар ўзаро тан олинади. Ушбу шаклдаги дипломлар уч босқичли таълим тизимининг барча босқичлари учун хос, аммо кўринадик, қўшма дастурлар ҳозирча асосан магистратура босқичи ва докторантура босқичида амалга оширилмоқда. Бу жараён, албатта, таълим жараёнини режалаштириш, таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув предметларининг курслар бўйича тақсимооти, фан дастурлари, кредитлар ҳажмини белгилаш каби қатор ўқув жараёнининг ташкилий компонентларини аввал бошдан биргаликдаги келишув асосида, ҳамкорликда тузиб чиқишни тақозо этади. Бунда мақсад ва кутилаётган натижаларнинг аниқ белгиланиши, ҳар бир қадамнинг келишувга асосланиши ниҳоятда муҳим бўлади, табиий. Ҳамкорликдаги дастурлар талабалар ва тадқиқотчилар учун мобилликнинг ортиши (семестрларни ёки ўқув муддатининг муайян даврини бошқа давлатларда ўқиш), бошқа давлатлардаги муқобил таълим жараёни билан танишув, жумладан, тегишли соҳанинг етакчи олимлари, устозларидан билим олишлари учун қулай шароитларнинг яратилиши, айниқса, танлаш имкониятларининг кенглиги, ўз соҳаси бўйича бошқа мамлакатдаги илм-фан ютуқларидан бохабарлик, танлаган соҳаси бўйича оптимал билим ва кўникмаларга эга бўлишида жуда муҳим. Мутахассис тайёрлаш жараёнидаги бу янгича ёндашув таълим олувчилар учун жуда қизиқарли, замонавий таълим жараёни имкониятларидан кенг фойдаланишга йўл очиши билан аҳамиятлидир. Варшавада ўтган халқаро конференцияда унинг кўп қиррали жараён эканлигига амин бўлдик.

Биз учун қизиқарли бўлган бу янги тизимнинг ўзига хосликларини муҳокама қилиш жараёнида иштирок этиш асносида унинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжудлиги ҳақида атрофлича билимларга эга бўлдик. Европалик ҳамкасбларимиз, айниқса, ушбу жараёнларнинг бевосита иштирокчилари ва бажарувчилари бўлган университет вакилларининг муҳокамаларидан шулар аниқландики, қўшма дастурларнинг ижобий

жиҳатлари ниҳоятда кўп. Шу билан бирга, ҳамкорликдаги таълимнинг ташкилий масалалари ниҳоятда мураккабдир. Хусусан, бу мураккабликлар, кузатилаётган муаммолар қуйидагиларда кўринади:

- қўшма дипломларнинг тан олинишини ҳуқуқий кафолатлаш;
- таълимни молиялаштириш жараёнида;
- ҳамкорликдаги таълим жараёнининг ҳуқуқий-меъёрий базасини расмийлаштириш;
- таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш;
- талабалар ва тадқиқотчиларнинг турли давлатларда яшаши ва фаолият юритишини синхронлаштириш;
- илм-фан ютуқларининг ҳимояланмаган ҳолда тарқалиб кетиш ҳолатлари;
- бошқарув жараёнидаги мураккабликлар ва бошқалар.

Ҳамкорликдаги қўшма дастурларнинг амалга оширилишида молиявий масалаларни ҳал этиш муҳим. Бундан бошқа давлатларда таълим олувчи учун харажатларнинг талаба ёки тадқиқотчининг ўзи томонидан қопланиши, бунга эса ҳамма талабаларда ҳам имконият етарли бўлмаслиги, бу ҳолатнинг талабалар ўртасида ижтимоий тенгсизлик каби ноқулай вазиятнинг келтириб чиқаришида ҳам кўринади. Бугунги кунда Эразмус Мундус фонди маблағлари асосида қўшма дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва молиялаштирилиши дастурлари ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Асосий муаммолардан бири ҳуқуқий кафолатнинг умумий жиҳатдан ҳамма учун мақбул ягона ҳуқуқий, меъёрий асоси тўлиқ эмаслигида деб ҳисобланади. Чунки қўшма дастурлар ҳамкор университетлар ўртасидаги шартномалар доирасида амал қилади. Яъни университетларнинг келишувига мувофиқ дастурнинг ҳаракат тизими тасдиқланади. Шунингдек, илмий тадқиқотлардан олинган янги натижаларнинг ҳуқуқий ҳимояланмаган ҳолатда тарқалиб кетиши ҳам анча муаммоли масалалардан ҳисобланади.

Шу каби масалаларни ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошираётган Европа университетлари мутахассислари ўзаро муҳокама қилиб, фойдали хулосалар чиқаришлари мазкур жараёнларни янада оптималлаштиришга хизмат қилади.

Халқаро конференциянинг муҳимлиги шунда бўлдики, қўшма дастурларнинг бевосита иштирокчилари билан бошқа минтақалардаги олий таълим муассасалари вакиллари, Темпус дастурларининг иштирокчилари, миллий командалар вакилларининг мунозара ва фикр алмашувларига кенг имконият яратилди. Қатор семинарлардан сўнг конференция иштирокчиларининг эркин мулоқоти ташкил этилди, унда турли давлатларнинг вакилларининг танишув ва фикр алмашуви, ҳамкорлик бўйича таклифлари юзасидан мунозаралари бўлиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистонлик гуруҳ аъзоларига Италия, Польша, Буюк Британия, Венгрия, Россия, Латвия, Грузия, Озарбайжон, Беларуссия давлатларидан ташриф

буюрган таълим муассасалари ва халқаро ташкилот вакиллари қизиқиш билдириб, Ўзбекистондаги таълим тизими ҳамда келажакда ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар ҳақида таклифлар билан муурожаат қилдилар.

Конференция юксак савияда ташкил этилганлиги, маърузачиларнинг юқори даражада тайёрлаган тақдимотлари, Айникса, Европа Иттифоқи давлатларининг ҳамкорликдаги дастурларни яратиш, амалга оширишнинг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлаш, кўш дипломларнинг таъсис этилиши ва тан олинishi бўйича фаол фикр алмашувлари бизда катта таассурот уйғотди.

Маъруза, тақдимот ва ўзаро муҳокамалар асосида шундай хулосалар ва таклифларни айтиш мумкин:

1. Ҳамкорликдаги кўшма дастурлар олий таълим муассасалари ўртасидаги шартномалар доирасида амалга оширилади. Университетлар ўртасида ҳамкорликдаги ўқув режалари, дастурлар яратиш, таълим жараёнига татбиқ этиш ОТМлараро халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга, Болонья декларацияси талабларини таъминлаш, турли давлатларда бажарилаётган илмий лойиҳалар яқунларини амалиётга ҳамкорликда жорий этишда муҳим аҳамиятга эга.

2. Ҳамкорликдаги магистрлик ва докторлик даражалари дипломларининг таъсис этилиши, тан олинishi, глобаллашув жараёнларида таълим ва фан интеграциясининг халқаро мавқеини кучайтиришга хизмат қилади.

3. Европа давлатлари орасида турли фондларнинг қўллаб-қувватлаши ёрдамида ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида магистрлик дастурлари ва докторлик дастурлари амалга оширилади. Бунда таълим жараёнини молиялаштириш, бошқарувнинг самарадорлиги, сифатни таъминлаш, талабаларнинг дунёнинг турли давлатлар университетларида алмашиб ўқишини ташкил этиш ва асосийси, ҳамкорликдаги даражаларни тан олиш масалаларини ҳукуқий жиҳатдан тўғри асосга қўйиш масалалари аҳамиятга эга. Бу каби ҳамкорлик дастурларини Лиссабон Конвенциясига қўшилган Европа давлатларида амалга ошириш имкониятлари бор.

Таклиф сифатида шуни айтиш жоизки, Темпус дастурлари доирасида болонья декларацияси, уч босқичли таълим тизими, интергация, таълим ва илмий фаолият сифати каби йўналишларда лойиҳаларни бажарган ва бажараётган мамлакатимиз олий таълим муассасаларида эксперимент (синов) сифатида Европа таълим тизими талабларини қўллаш, кредит тизимини жорий этиш, баҳолаш принципларини қўллаб кўриш мумкин. Айнан бир хил тизимда фаолият юритилсагина, ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлади. Шунда халқаро грантлар асосида бажарилган лойиҳалардан янада яхши самарани олиш, янги тизимлар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва танлаш имконияти пайдо бўлади. Ҳозирча, республикамиздаги турдош мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик

шартномалари тузиш, бунда кўшма дастурлар яратиш ва жорий этишни синов сифатида татбиқ этишни ўйлаб кўриш керак. Бу, бизнингча, келгусида халқаро кўшма дастурларни яратиш ва амалга оширишга яхши тажриба бўлиши мумкин.

4. Ҳамкорликдаги лойиҳаларга грант маблағларини ажратиш муайян мамлакатдаги ташкилотнинг миллий идораси томонидан ишлаб чиқилган ва давлат томонидан расмий тасдиқланган устувор йўналишлар асосида амалга оширилади. Конференцияда гуманитар соҳа вакили сифатида иштирок этганлигим сабабли Европа, Кавказ мамлакатлари университетлари билан қатор лойиҳаларни тузиш мумкинлигини режалаштирдим. Бунинг учун ижтимоий фанлар йўналиши Ўзбекистон Темпус дастури устувор йўналишларга киритилишига эришиш, буни асослаш зарур. Келажакда “Темпус” ташкилоти ва “Эразмус Мундус” фонди имкониятларидан фойдаланиш, жараёнга мутахассис олимларни кенг жалб этган ҳолда кўплаб халқаро лойиҳаларни яратиш мумкин деб ҳисоблайман.

Конференция материаллари ва унга тегишли барча маълумотлар билан қуйидаги линк орқали батафсил танишиш мумкин:

<http://www.interuv.eu/regional-conferences/interuv-first-regional-conference/>

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Лутфуллаев П.М.

Ушбу мақолада олий таълимда сифат тушунчаси ва сифат масаларининг талқини хорижий манбалар асосида таҳлил этилган. Хорижий тажрибалар эса Ўзбекистондаги тажрибалар билан қиёсланган. Олий таълимда сифат тушунчасини талқин қилишда Диана Гриннинг қарашлари очиқ берилган. Сифатни белгилаш ва баҳолаш хар доим баҳс мунозалар ичида бўлиб келганлиги мисоллар билан ёритилган. Британиялик муаллифлар Жаксон ва Лунднинг олий таълимдаги сифатни баҳолаш масалаларига ёндошишда «концептуал тизим»и таҳлил этилган. Олий таълимда сифатга бўлган қизиқишининг пайдо бўлишига туртки бўлган омил ва факторлар асослаб берилган.